

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 2 ноябр – 7 ноябр)

№9

Тошкент – 2015

Оқсаройда қабул



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 ноябрь куни Оқсаройда Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер ҳамда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорациясининг вице-президенти Димитрис Цицирагосни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорликни юксак кадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг натижасида умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд бўлган 28 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳалар электр энергетикаси, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизациялаш, сув таъминоти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш каби йўналишларни қамраб олган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда Жаҳон банкининг улуши 2,6 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик муносабатларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Унинг доирасида Жаҳон банки 300 миллион доллардан ортиқ миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит билан 4 лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлади. Мамлакатимизда Халқаро молия корпорациясининг 135 миллион доллар миқдоридаги инвестицияси иштирокида хусусий секторни ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди.

Сухбат давомида Жаҳон банки гуруҳи вакиллари Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш бўйича жорий йилда қабул қилинган стратегик дастурларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди. Бу дастурларда иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини камайтириш кўзда тутилган.

Меҳмонлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш жараёнида фаол иштирок этишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шунингдек, асосий соҳалар бўйича қабул қилинган дастурлар ва қўшма инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ҳозир Жаҳон банки 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган шериклик стратегиясини тайёрлашни якунламоқда. Унинг доирасида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган 30 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу янги лойиҳалар электр энергетикаси, нефть-газ саноати, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, коммунал инфратузилма ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Халқаро молия корпорацияси билан нефть-кимё, кимё саноати, муқобил энергия манбалари ва молия соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг устувор соҳалари юзасидан фикр алмашилди, шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 ноябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси саноат, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Сопни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий инвестицион ва технологик ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Жанубий Корея бизнесининг фаол иштирокида иқтисодий-технологик турли соҳаларида кўплаб стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сурғил қони негизида яқинда бунёд этилган, қиймати қарийб 4 миллиард долларга тенг Устюрт газ-кимё мажмуаси ушбу ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Учрашувда Жанубий Кореянинг нуфузли делегацияси Тошкентда ўтаётган Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасида стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Сўхбат чоғида Жанубий корейлик инвесторларнинг мамлакатимиздаги давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида иштироки, етакчи саноат ва инфратузилма тармоқларида янги инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Халқаро инвестициявий форум доирасида Жанубий корейлик ҳамкорлар билан нефть-газ, кимё, электротехника, машинасозлик ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва инфратузилмавий тармоқлардаги давлат активларини сотиб олиш бўйича умумий қиймати 220 миллион доллардан зиёд 24 битим ва меморандум имзоланишини юксак баҳолади.

Ли Хван Соп Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Корея Республикаси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга устувор аҳамият беришини таъкидлади.

Ўзбекистон — ишончли инвестициявий ҳамкор

Тошкентда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтди. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур нуфузли анжуманда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари вакиллари, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Польша, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания сингари дунёнинг 33 мамлакатидан фирма ва компаниялар раҳбарлари, олимлар ҳамда экспертлар қатнашди.

Ушбу йирик тадбир жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон сезилиб турган ҳозирги шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати самараси, бу борада эришилган ютуқларни ўрганиш, чет эллик инвесторларга тақдим қилинаётган имтиёз ҳамда преференциялар ҳақида халқаро ҳамжамият ва хорижлик экспертларни яқиндан таништиришга бағишлангани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Маълумки, ҳар қандай давлат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши кўп жиҳатдан инвестиция сиёсатининг нақадар тўғри ва оқилона юритилишига боғлиқ. Чунки саноат тармоқларининг жадал ривожини стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг ижроси белгилаб беради. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг “Инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”, деган пурмаъно сўзларидан келиб чиқиб, истиклол йилларида изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Буни қарийб чорак асрлик мустақил тараққиётимиз даврида иқтисодиётимиз 5,5 каррадан зиёд ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса жон бошига 9 марта кўпайгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон Ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Айниқса, сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан юқорини ташкил этаётгани ҳақли равишда барчанинг ҳавасини келтираётир. Негаки, дунё мамлакатларининг аксариятида иқтисодий ўсиш даражаси тушиб кетган, айримларида давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги кузатилаётган мураккаб бир шароитда бундай ютуқларнинг қўлга киритилиши чиндан-да хайратланарлидир.

Халқаро форумнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов бундай муваффақиятларнинг замирида Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб

чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган, машҳур беш тамойилга асосланган “Ўзбек модели” мужассам эканлигини, пировардида бу барча амалий ишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланганини алоҳида таъкидлади.

Шуни айтиш жоизки, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш ва таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган ислохотлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Натижада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳалар ўз вақтида бажарилиб, замонавий саноат тармоқларига асос солинаяпти. Бунда ички манбалардан ташқари, жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўпайиб бораётгани айтиш мумкин бўлмоқда.

Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, инвестициялар ўз-ўзидан келавермайди. Одатда, у инвесторлар фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратилган, қулай ишбилармонлик муҳити мавжуд бўлган, бошқача айтганда, иқтисодиёти барқарор ривожланаётган давлатларга йўналтирилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонда буларнинг барчаси муҳайё қилинган, деб айтишга асослар етарли. Чунки юртимизда “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ҳамда “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, инвесторларнинг эмин-эркин бизнес фаолияти юретишига ҳуқуқий асос яратилган.

Иқтисодиётимизнинг бундай инвестициявий жозибадорлиги, табиийки, чет эллик сармоядорлар эътиборини янада кўпроқ тортмоқда. Биргина 2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 14 миллиард 600 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу борадаги ўсиш суръати 10,9 фоизни ташкил қилгани бунинг тасдиғидир. Шунинг 3 миллиард долларидан зиёди хорижий инвестиция ва кредитлар эканлиги, айниқса, диққатга сазовор.

— Ўзбекистон — инвестиция киритиш учун қулай мамлакат, — дейди Осиё тараққиёт банки бош директори Хуан Миранда. — Қабул қилинган Инвестиция дастурлари пухталиги, бизнес юретишнинг қулайлиги, энг муҳими, инвесторлар учун барча соҳалар очиклиги ҳар қандай лойиҳа муваффақиятининг гаровидир. Шу маънода, республикангизда кейинги йилларда иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, замонавий саноат тармоқларига асос солинаяпти. Бунда солиқ юкининг пасайтирилаётгани ва банк тизими самарали ишлаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Осиё тараққиёт банки ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўз кредит линияларини йўналтирмоқда. Бугунги форум эса ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда янги босқични бошлаб беради, деб ўйлайман.

Чиндан ҳам, юртимизда, хусусан, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётимизнинг

барқарор ўсиш суръатларини таъминламоқда. Тижорат банкларининг жами капитали муттасил равишда ўсиб бораётгани, ўз навбатида, молиявий тизимнинг мустаҳкамланишига хизмат қиляпти. Зеро, бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган талабдан уч баробар кўпдир. Бу каби муваффақиятлар эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини камайтириш учун зарур имкониятларни яратди. Шу билан бирга, банклар томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштириш, саноат корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ҳам кўпайтирилмоқда. Пировардида “Мудис”, “Стандарт энд Пурс” ва “Фитч рейтингс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизими фаолияти “Барқарор” деб баҳоланмоқда. Агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча банклари ана шундай эътирофга лойиқ кўрилгани, айниқса, кувонарлидир.

Хорижлик экспертларнинг фикрича, кейинги йилларда инвестициялар оқимининг Ўзбекистон томон оғишининг бир қанча сабаблари бор. Улар ичида, энг муҳими, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан худудларда иқтисодий зоналар ташкил этилаётганидир.

Дастлаб 2008 йил охирида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасига асос солинган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари ташкил этилди. Мазкур саноат худудларининг барпо қилинишидан кўзланган асосий мақсад чет эл сармояларини, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш эди. Амалда ҳам шундай бўлди. Уларда фаолият кўрсатаётган чет эллик сармоядорлар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим қилингани боис ҳар йили кўплаб замонавий корхоналар ишга тушириляпти. Бу субъектларда ишлаб чиқарилаётган қўшимча қийматга эга маҳсулотларга эса нафақат ички бозорда, балки чет элда ҳам талаб ортиб бораётир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият берилади. Шу боис жалб қилинаётган маблағлардан унумли фойдаланиб, улар, асосан, замонавий корхоналар барпо этиш, инфратузилма объектлари ва намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш каби аниқ мақсадларга йўналтириляпти. Мисол учун, ўтган йили ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига сарфланди. — Ўзбекистон ёш мустақил, бироқ иқтисодий ва инвестициявий имкониятлари ниҳоятда катта давлатдир, — дейди Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер. — Юртингизда сармоялар тўғри йўналтирилаётгани туфайли барча соҳа, айниқса, саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш жабҳаси таракқий этиб борапти.

Натижада одамларнинг турмуш шароити яхшиланиб, ҳаёт даражаси юксалмоқда. Эътиборли жиҳати, инвестициялар фақат йирик ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадлари учунгина киритилаётгани йўқ. Гап шундаки, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, коммунал соҳа ривожини учун ҳар йили катта миқдорда инвестиция йўналтирилмоқда. Бугунги форум мавзуси ўта долзарб бўлиб, хорижий ҳамкорлар, инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусийлаштириш жараёнлари билан яқиндан танишиш, сармоявий муносабатларни юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Шу ўринда юртимизда хорижий инвесторлар, айниқса, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар сарфлаётганлар учун максимал даражада қулай шароит яратиб бериш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттириляётганини таъкидлаш лозим. Бунда Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда, албатта.

Бу ҳужжатга мувофиқ, тақдим қилинаётган имтиёзлар янги ҳамкорлар топиш, уларнинг сармоясини иштирокида ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини замон талабларига мос равишда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келаяпти. Бунинг самараси эса саноатимизнинг етакчи тармоқларида кўзга яққол ташланмоқда. Айтайлик, автомобилсозлик саноати дунёга машҳур “General Motors”, “Isuzu”, “MAN” компаниялари кўмагида йил сайин тараққий этаётган бўлса, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тубдан модернизация қилингани туфайли “Claas” ва “Lemken” компаниялари иштирокида замонавий техника ҳамда жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда. Электротехника соҳаси равишида эса “Samsung”, “LG” каби компаниялар билан ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 28 апрелида имзоланган “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор, айниқса, тизимдаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга биноан, 2015/2016 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, икки йил давомида иқтисодиётнинг реал сектори ва бошқа соҳаларида давлат иштирокини камайтириш, 1247 та корхона ва объектни хусусийлаштириш кўзда тутилган.

Шу мақсадда хорижий инвесторларни кенгроқ жалб қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити, тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар, шунингдек, нуфузли ташкилотларнинг алоҳида эътирофини қозонган. Хусусан, яқинда Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан “Бизнесни юритиш — 2016” бўйича эълон қилинган мамлакатларнинг янги рейтингда Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида 87-ўринни эгаллади. Бу сўнгги бир йил мобайнида кузатилган ўсиш

натижасидир.

Энг юқори ўсиш суръати эса “Кредитлаш тизими” бўйича қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 63 поғона кўтарилиб, 105-ўриндан 42-ўринга чиққани эътиборлидир.

Халқаро инвестициявий форум доирасида умумий қиймати 12,4 миллиард АҚШ долларилек 100 дан зиёд битим ва меморандумлар имзоланди.

Форумда эришилган натижалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгиланишларни янада жадаллаштириш, ички ва ташқи бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар тайёрлашни ташкил этиш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий қилиш, шунингдек, Хусусийлаштириш давлат дастурига киритилган корхоналарга стратегик чет эл инвесторларини жалб этиш ишларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши муқаррардир.

Ҳамюртларимиз Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритди

Хабарингиз бор, келаси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

Айни кунларда дунёнинг қатор давлатларида ана шу нуфузли мусобақага йўлланмалар берувчи халқаро турнирлар ташкил этилаёпти. Энг муҳими, уларда вакилларимиз муваффақиятли қатнашиб, спорт ихлосмандларига кувонч улашишмоқда.

Хусусан, Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган Гран-при мусобақасида ҳамюртимиз Раънохон Омонова Олимпиада ўйинлари лицензиясини қўлга киритди. У 200 метр масофага комплекс усулда сузишда 2 дақиқаю 13,08 сония натижа қайд этиб, ана шундай имкониятга эга бўлди.

Яна бир хушxabарни Индонезиядан олдик. Бу ерда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича давом этаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этиб, XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаларига сазовор бўлишди.

Мусобақанинг дастлабки кунлари вакилларимиздан Алексей Мочалов 1000 метрга байдаркада эшкак эшишда барча рақибини ортида қолдириб, олтин медаль билан тақдирланди. Мазкур масофада каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган пойгада Герасим Кочнев биринчи ўринни қўлга киритди.

1000 метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича жуфтликлар ўртасида эса Вадим Меньков ва Серик Мирбеков ғолибликка эришди.

«Ақлли» механизм

Швейцариянинг “Breitling” компанияси янги моделдаги “ақлли” соатини тақдим этишга тийёрланмоқда. Унинг номи “Ecospace” бўлиб, 16 декабрь куни Нью-Йоркда кенг оммага намойиш қилинади, дея ёзилади “WWD” нашрида. Соат симсиз алоқа орқали смартфонга уланади ҳамда хронограф (бирор воқеанинг содир бўлган вақтини аниқ белгилаб ёзиб оладиган асбоб), гирокомпас ва қон босимини ўлчайдиган мослама вазифаларини ҳам бажаради. Айтиш жоизки, ушбу компания 1884 йилдан буён фаолият юритиб келади.

Иш ўринлари қисқартирилади
Автомобиль шиналари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур “Michelin” компанияси (Франция) мамлакат ташқарисидаги филиалларида 1600 дан ортиқ иш ўрнини қисқартиришга қарор қилди. Ушбу жараён Италия, Германия ва Шимолий Ирландиядаги учта заводда амалга оширилади. Яқин уч йил ичида эса уларнинг фаолияти бутунлай тўхтатилади. “Michelin” реструктуризация тадбирлари учун 280 миллион евро миқдорида маблағ йўналтиришни режалаштирган, дейилади “Euronews” телеканали хабарида. Ўз навбатида, қўшимча 265 миллион евро Буюк Британия ва Италиядаги корхоналари ҳамда логистика тармоқларини модернизация қилишга сарфланади.

Нуқсонли ёстиқчалар учун жарима
АҚШнинг транспорт вазирлиги Япониянинг хавфсизлик ёстиқчалари ишлаб чиқарувчи “Takata” компаниясидан 200 миллион доллар миқдорида жарима талаб қилмоқда. Бу ҳақда “Reuters” хабар тарқатди. Вазирлик мутахассисларининг таъкидлашича, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларда учраётган нуқсонлар қўнғилсиз ҳодисаларнинг юзага келишига сабаб бўлаяпти. Масалан, хавфсизлик ёстиқчалари автоҳалокат рўй берган вақтда тўғри очилмайди, айрим ҳолларда ёрилиб ҳам кетади. Оқибатда бундан ҳайдовчилар ва йўловчилар жиддий жароҳат олади. Ҳатто фожиа билан яқунланган воқеалар ҳам кузатилган. Маълумотларга қараганда, ҳозиргача ана шундай носозлик туфайли етти киши ҳаётдан қўз юмган, юзга яқин одам жароҳатланган.

Мусобақа тарихида биринчи марта
От пойгаси бўйича “яшил китъа”даги энг нуфузли турнир — Мельбурн кубоги тарихида биринчи бор аёл киши голиб бўлди. Беллашув аввалида аутсайдерлар қаторида тилга олинган австралиялик Мишель Пейн финиш чизиғига санокли метрлар қолганида италиялик машҳур чавандоз Франки Деттордан ўзиб кетиб, муваффақият қозонди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А